

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

“ СЕЛЕКЦИЯ ВА УРУҒЧИЛИКДА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ҲАМДА
НОҚУЛАЙ ОМИЛЛАРГА БАРДОШЛИ АШЁЛАР
ЯРАТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ АСОСЛАРИ ”

*Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами
(Тошкент, 2017 йил 22 декабрь)*



карбонатларга кучли таъсир кўрсатади. Эрозияланган тупроқларда карбонатлар кесманинг устки қисмида тўпланишини кўриш мумкин. Эрозияланмаган тупроқларда CO₂ карбонат миқдори 6-8% ни ташкил этган бўлса, эрозияланган тупроқларда бу кўрсаткич 9-10% ни ташкил этади.

Юқорида айтилган фарқлар жуда аниқ келтирилган бўлиб, Яккабоғ, Хитоб туманларидаги суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларда сув эрозиясига қарши қўланиладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, районлаштиришда ва эрозияга хавфли ерларни хариталашда муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса

Шундай қилиб, хулоса қиладиган бўлсак, жанубий Ҳисор тоғ этегида жойлашган суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар ўзининг морфогенетик хоссалари, гумусли қатлам қалинлиги ва гумус миқдори билан республикамизнинг шимолий ҳудуд тупроқларидан кескин фарқ келади. Бу эса тупроқ-иқлим шароитига, ёғингарчиликнинг камлигига, ўсимлик қопламанинг камлигига ва тупроқлар она жинсининг хилма-хиллигига боғлиқдир. Эрозия жараёнлари тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссаларининг ёмонлашувига олиб келади. Бунинг натижасида гумус, азотнинг шакллари, фосфор ва калий миқдорлари пасаяди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Азимбаев С. Почвы южной части Узбекистана и их мелиоративное состояние. "Фан", Т, 1991г.
2. Б. Камилов, Махсудов Х.М. Қашқадарё вилоятида учрайдиган эрозия турлари ва эрозияга учраган тупроқларнинг тарқалиш қонуниятлари. Илмий асарлар тўплами Т., 2004 й.
3. Ш. Холикулов, П. Узоқов "Тупроқшунослик" дарслик Т. 2011 й

УДК 631.6

ТУПРОҚҚА НАМ ТЎПЛАШ МАҚСАДИДА ПУШТА СУВИ БЕРИШ.

*Б.Б.Тухташев –доценти,
А.Маматхонов, магистр.
Тош ДАУ*

Республикада сув захираларининг йилдан-йилга камайиб бориши ва тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашиши қишлоқ-хўжалик экинларини суғоришда ундан тўғри ва тежаб фойдаланишни талаб этади. Эндиликда қишлоқ хўжалик экинларини суғориш меъёрларини асосиз равишда ошириш, ёки экиннинг талабини билиб-билмай исталган вақтда сув бериш сизот сувлар сатҳини кўтариб тупроқларни мелиоратив ҳолатини ёмонлашишига олиб келади, привордида уларнинг ботқоқланиши ва шўрланишига асос яратади десак янглишмаймиз. Экинларни суғоришга берилаётган ҳар бир литр сувини мақсадли равишда бошқариш ундан тўғри ва тежаб фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу ўринда Республиканинг жанубий вилоятларида эрта баҳорда тупроқ намлиги

барқарор бўлмаган туманларда нам тўплаш мақсадида суви беришнинг муҳим аҳамияти бор.

Нам тўплаш мақсадида ёки пушта суви беришнинг самарадорлигини ўрганиш учун олиб борилган жуда кўп тажрибалар натижасида шундай аниқландики, ёгингарчилик кам (йилига 120—200 мм) бўладиган туманларда ёгин сувларининг 50% тупроқ юзасига етмасданок бугланиб кетади. Ёгин экиш даврига келиб, тупроқ намлиги уруғнинг бир текис униб чиқишига етарли бўлмай қолади. Бу эса табиий ҳолда чигитни бир текисда кўкартишга олишга салбий таъсир кўрсатади (1,2). Тупроқда (айниқса, ер ости суви чуқур ётган ерларда) намнинг етарли булишини таъминлаш учун, албатта, нам тўплаш мақсадида ёки пушта суви бериш зарур деб ҳисоблаймиз. Ёгин тадбирининг муҳимлиги бир неча бор амалиётда синатти ва бободехқонларимиз бунга бир неча марта гувоҳ бўлганлар.

Шу ўринда А. Нарзиқуловнинг “Дехқон таквими” деган рисолада куйидаги фикрни келтирмоқчимиз – “Қавс (19 ноябрдан-18 декабргача) ўт ўткир, яъни сингувчан бўлади. Шу сабабли боббону дехқонлар бундан тоқзорларни, курук тупроқли ерлар шудгорини бу ойда албатта суғоришди. Қавс сувига қонган ерлар ва тоқзорлар ёзги сув танқислиги пайтда деганда чанқамайди. Бу сувга туйинган ерларда ҳосил мўл бўлади. Ёгин қавс ва чилла суви зарарли хашоротларнинг қишлаб қолаётган авлодлари, гумбаклари, уруғларига қирон солади. Тупроққа синган сув туйинтиради. Кейинчалик бу намлик юзага кўтарилиб тупроқнинг захирасини яхшилайти”(3).

Республиканинг жанубида, жумладан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ушбу тадбир ҳамал ойининг бошида, яъни чигит экишдан 15 кун олдин ўтқазилади. Бунинг учун дала яхшилаб текисланади. Ёгинташ культиваторларга ўрнатилган эгат очгичлар ёрдамида чуқурлиги 30-40 см қилиб пушта олинади. Тупроқ турига қараб, нам тўплаш мақсадида ёки пушта сувининг бериш меъёри белгиланади. Нам тўплаш мақсадида ёки пушта суви сизот сувлари 2,5-3,0 ва ундан чуқур жойлашган тупроқлар шароитида механик таркиби енгил тупроқларда гектарига-1000-1200 м³ механик таркиби ўртача ва оғир тупроқларда 1200-1500 м³/га. меъёрида эгатдан берилади. Бу суғоришни сифатли амалга ошириш суғориш техникасига - яъни эгатлар узунлиги ва ҳар бир эгатга берилаётган суви сарфига боғлиқдир. Нам тўплаш мақсадида ёки пушта сувида ҳар бир гага 0,5-0,7 л. сув таралиб, эгатлар узунлиги ерларнинг қиялик даражасига қараб 60-80м. дан 80-100м. гача қилиб белгилаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Аксинча, эгатларнинг ҳаддан ташқари узун ёхуд қиска олиш далада ҳам текисда намланмаслигига олиб келади. Бу эса чигитнинг бир текисда ўсишига чикишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Дала агротехник талаблари даражасида суғориб бўлгандан кейин орадан 12-15 кун ўтгандан кейин эгат тобига келиб етилади.

Табиий зовурлаштирилганлик даражаси етарлича бўлган қумлок ва эгатли қумоқ тупроқларда суғоришлар эрта баҳорда, экиш давригача ёки

тилишини ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Бундай ерларда суғориш ерни ҳайдамасдан ҳам ўтказилиши мумкин. Оғир механик таркибли тупроқларда эса бундай суғориш ер ҳайдалгандан кейин ўтказилади.

Нам тўплаш учун суғоришнинг қулай муддатлари бўлиб февраль ва март ойининг бошлари ҳисобланади. Суғориш махсус олинган эгатлар орқали ёки ёрлақлаб ёппасига бостириб ўтказилади. Мевали боғларда эски эгатлар ёки ёрлақлар орқали амалга оширилади.

Республиканинг жанубий вилоятларида бу суғориш одатда март ойининг иккинчи ва учинчи ўн кунлигида амалга оширилади. Ана шу муддатни ҳисобга олиб пушта суви берилган далаларда ер 5-апрелга келиб чигит экишга тайёр бўлади. Ўсимликнинг дастлабки ривожланиш даврида тупроқда намликнинг етарлик бўлиши ғўзани ўсиш ва ривожланишига шаклбундай таъсир кўрсатади. Нам тўплаш мақсадида ёки пушта суви берилган далаларда ғўза гулга киргунича сувга келмайди. Бу муддат 45-60 кунлик даврни ўз ичига олади. Бу эса ушбу ғўза далаларида бир марта суғориш сувини тежаш имкониятини беради. Жанубий вилоятларда олиб борилган тадқиқот натижаларига қараганда ушбу тарзда суғориш ҳисобига ғўзани вегетацияси даврида гектарига 900-1000 м³ сув тежалиб, чигит бутун дала бўйлаб бир текисда қийғос униб чиққан. Масалан, март ойининг иккинчи ярмида пушта суви берилган далаларда чигит 100% униб чиққан. Чигитнинг бир текис ва тез униб чиқиши ниҳолларнинг ўсиши ва тез ривожланишига, ғўзанинг мўл ҳосил тўплашига олиб келган. Март ойида пушта суви берилган далаларда пахта ҳосили 7-8 кун эрта пишиб гектарига 4,2-4,8 ц/га. қўшимча ҳосил олиш имконияти яратилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бўриев Я. Муттасил ғўза ва навбатлаб экиш далаларида тупроқ ҳудуддорлиги. Ўз ПИТИнинг 80 йиллигига бағишланган “Пахтачиликдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. Тошкент-2009 йил 143-144 бетлар.

2. Кодирова Ш.И., Мўминов К.М. Нам тўпловчи суғориш ва ҳосилдорлик. Уз ПИТИ халқаро конференция. Тошкент-2006й.

3. А. Нарзиқулов дехқон. боғбон ва чорвадор тақвими. Тошкент “Меҳнат”-1991й.

Аннотация:

Фермер хўжаликларида пушта сувининг аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига қараганда ушбу тарзда суғориш ҳисобига гектарига 800-900 м³ сув тежалиб, чигит бутун дала бўйлаб бир текисда қийғос униб чиққан. Масалан, март ойида пушта суви берилган далаларда чигит 100% униб чиққан. Чигитнинг бир текис ва тез униб чиқиши ниҳолларнинг ўсиши ва тез ривожланишига, ғўзанинг мўл ҳосил тўплашига олиб келган. Март ойида пушта суви берилган далаларда пахта ҳосили 7-8 кун эрта пишиб гектарига 4,2-4,8 ц/га. қўшимча ҳосил олинган.

ОЦЕНКА СКОРОСПЕЛЫХ ОБРАЗЦОВ ШТАМБОВОЙ РАЗНОВИДНОСТИ ТОМАТА В УСЛОВИЯХ СУХИХ СУБТРОПИКОВ <i>Н.Ж.Нурматов, Э.А.Жумаев, Ж.Ш.Тўрақулов Термезский филиал ТашГАУ</i>	207
III-СЕКЦИЯ	
МЕТОДЫ БИОЛОГИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ ПОЧВЕННЫХ НЕМАТОД <i>Норбоева М.А., Закиров С.Х. ТашГАУ</i>	212
ТУПРОҚҚА ПУШТА УСУЛИДА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ ТУПРОҚНИ СУВ ЎТКАЗИШ ҚОБИЛИЯТИГА ТАЪСИРИ <i>Х.Турсунов Андижон қишлоқ хўжалиги институти, Б. Халиков</i> <i>Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш ағротехнологиялари ИТИ</i>	215
ТУПРОҚДА ОЗИҚА УНСУРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ШАКЛ МИҚДОРЛАРИНИ ЎЗГАРИШИ <i>Н.Эргашев, Б.Халиков Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш ағротехнологиялари илмий тадқиқот институти</i>	218
ПОМИДОР ЭКИНИДА УЧРАЙДИГАН ХАВФЛИ КАСАЛЛИКЛАР <i>Омонова Наргиза Махмуджоновна Андижон қишлоқ хўжалик институти</i>	222
ҚҲЙИ АМУДАРЁ СУҒОРИЛАДИГАН ТУПРОҚЛАРИ ВА ГРУНТ СУВЛАРИДАГИ ТУЗЛАР МИҚДОРИ ВА ШҲРЛАНИШ ХИМИЗМИ <i>Хўжасова М., Намозов Х., Холжасов М. Тошкент давлат аграр университети</i>	225
ELEKTROSTIMULYATSIYANING O`SIMLIKLARGA TA`SIRI <i>L.T.Djurayeva TDAU. k.f.n., dotsent, G.B.Daminova</i> <i>TDAU assistant, B.A.Xushboqov TIQXMMI talabasi</i>	231
ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ ТУРДАГИ МУРАККАБ НКФУ ЎГИТЛАРИНИНГ ҒЎЗАНИ ҚУРУҚ МАССА ТҲПЛАШИГА ТАЪСИРИ <i>З.Ш.Асқарова, М.М.Мирзажоновна, Н.А.Қалиқов ТошДАУ</i>	234
ПРИМЕНЕНИЕ ФУНГИЦИДА «ОРГАМИКА-С» ПРОТИВ ФУЗАРИОЗА ТОМАТОВ <i>Умарова Д., Рахимов У.Х., Хамраева Д.У. ТашДАУ</i>	237
ТИПИК БҲЗ ТУПРОҚЛАР ТАРКИБИДАГИ МИКРОЭЛЕМЕНТЛАР МИҚДОРИ <i>Ўрмонова.М.Н, Раимбаева.Г.Ш. ТошДАУ</i>	240
БИОЛОГИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРЕПАРАТА ТАНОС В.Д.Г. ПРИМЕНЯЕМОГО ПРОТИВ ФИТОФТОРОЗА ПОМИДОРА <i>Утаганов С.Б., Рахимов У.Х., Хамраева Д.У. ТашДАУ</i>	242
ЦИТРУС ЭКИНЛАРИГА ЗАРАР БЕРУВЧИ ҚАЛҚОНДОРЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ ЗАМОНАВИЙ КУРАШ УСУЛЛАРИ <i>А.Р.Ғофуров., Г.Қ.Халмуминова. ТошДАУ</i>	245
ФУНГИЦИД “БАНЖО ФОРТЕ к.с.” ПРИМЕНЯЕМЫЙ ПРОТИВ ФИТОФТОРОЗА КАРТОФЕЛЯ <i>Хамираев У.К., Рахимов У.Х., Хамраева Д.У. ТашДАУ</i>	248
СУҒОРИЛАДИГАН ТҲҚ ТУСЛИ БҲЗ ТУПРОҚЛАРИНИНГ МОРФОГЕНЕТИК, КИМЁВИЙ ВА АГРОКИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ. <i>Хуррамов Ш.Ў. Камиллов Б.С. ТошДАУ</i>	250
ТУПРОҚҚА НАМ ТҲПЛАШ МАҚСАДИДА ПУШТА СУВИ БЕРИШ. <i>Б.Б.Тухташев –доценти, А.Маматхонов, магистр. Тош ДАУ</i>	253
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДУККАКЛИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ <i>Х.Я.Эргашева., С.Қосимов., Ж.Эргашев Ўзбекистон давлат мсаҳон тиллари</i>	256